*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 14 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 143 (9639). • 1989 йил 2 август • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

31 июль куни эрталаб соат 10 да Олий Советнинг мажлислар залида **А. И. Лукьянов** раислигида ўтган палаталарнинг биргаликдаги мажлисида СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 23 февралидаги «Кооперативлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Фармонини қизғин муҳокама қилиш давом эттирилди. Сўзга чиққан депутатлар **М. Л. Бронштейн, Н. Н. Гриценко, Т. П. Буачидзе, В. Н. Степанов, И. А. Забродин, В. А. Тихонов, Ю. Т. Комаров, Н. И. Травкин, С. С. Алексеев, В. И. Кисин, А. Н. Василец, В. П. Лукин, А. А. Собчак, А. И. Голяков, А. Я. Неумивакин, Е. Д. Дога, С. А. Магомедов** кооперативларнинг фаолиятини такомиллаштириш, изга солиш ва яхшилаш ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

СССР адлия министри **В. Ф. Яковлев** мунозаранинг боришини юридик нуқтаи назардан шарҳлаб берди. У депутатларнинг диққат-эътиборини фармон кооперация тўғрисидаги қонуннинг моддаларига хилоф эмаслигига қаратди. Бу фармон қонунга мувофиқ тузилган дастлабки актдир.

Пайшанба куни ушбу масала хусусида сўзга чиққан депутат **А. А. Коршунов** яна сўз олади. У сайловчиларнинг кооператив ҳаракатдаги ҳаддан ошишлардан қаҳр-ғазаби изҳор этилган хатини ўқиб эшиттирди.

**А. И. Лукьянов** мунозарага якун ясади. Депутатларнинг кўпчилиги, деди у, фармонни бир қанча фикр-мулоҳазалар ва аниқликларни ҳисобга олиб қабул қилиш кераклигини ёқлаб чиқмоқдалар. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига бошқа комитетлар ҳамда комиссиялар билан биргаликда барча таклифларни қўшимча равишда пухта ишлаб чиқиб, ушбу сессия охиригача фармоннинг узил-кесил лойиҳасини тақдим этишни топшириш керак. Айни вақтда СССР Министрлар Советига кооперация тўғрисидаги қонунга киритиладиган тузатишларни, солиқ инспекцияларини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар системасини ҳамда чайқовчиликка, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари билан чайқовчилик қилишга қарши курашга доир фавқулодда чоралар системасини ишлаб чиқиб, СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида тақдим этишни топшириш лозим.

Кўпчилик овоз билан депутатлар ана шу таклифларга қўшиладилар.

**Раислик қилувчи** ушбу сессияда «СССРнинг қонун актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги СССР қонуни лойиҳасига киритилган барча фармонлар кўриб чиқилганлигини маълум қилади.

Депутат **А. С. Дзасохов** СССРнинг чет эллардаги ваколатхоналари тўғрисидаги низомни депутатлар ва манфаатдор ташкилотлар билан маслаҳатлашувлардан сўнг тузатишларни эътиборга олиб кўриб чиқишни таклиф қилди.

Унинг таклифларини муҳокама қилишда СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри **К. Ф. Катушев,** депутатлардан **В. С. Подзирук, С. М. Рябченко, С. А. Ципляев** ва бошқалар қатнашдилар.

Ушбу масалани кўриб чиқишга яна қайтишга қарор қилинди.

Юқорида айтиб ўтилган учта фармон чиқариб ташланган ҳолда қонун лойиҳаси овозга қўйилади.

Қонун ўзгартиш ва қўшимчалари билан палаталарда алоҳида-алоҳида овозга қўйилиб, кўпчилик томонидан қабул қилинади.

Сўнгра депутатлар «Давлат жиноятлари учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР қонунига ҳамда СССРнинг бошқа баъзи қонун актларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 8 апрелдаги фармонини тасдиқлаш тўғрисида»ги СССР қонуни лойиҳасини кўриб чиқишга киришадилар. Депутатлардан **С. С. Алексеев, Н. Н. Медведев, С. А. Ципляев, Ф. М. Бурлацкий, Д. Н. Кугультинов, А. А. Денисов** ва бошқалар қонун моддаларининг таҳририни ойдинлаштиришга қаратилган бир қанча таклифлар киритишди.

Сессия мазкур қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиққан комитетга танаффус вақтида айрим моддаларнинг таҳририни ойдинлаштириш учун яна йиғилишни ва шундан сўнг муҳокамага қайтишни таклиф этди.

Депутат **Ю. С. Шчапов** маълумот бериш учун сўз олади. У Красноярск ўлкасининг жанубида, Хакасияда вужудга келган вазиятдан ташвиш билдирди. Шахтёрларгина эмас, бошқа тармоқларнинг вакиллари ҳам иш ташлаш усули билан ўз муаммоларига эътиборни қаратишга уринмоқдалар. Халқ қайта қуриш секин бораётганлигидан, марказий бошқарув аппаратини министрликлар ва идораларни қайта ташкил этиш пайсалга солинаётганлигидан норозидир, деб таъкидлади депутат. Одамлар меҳнаткашларнинг айрим гуруҳлари — давлат корхоналари ҳамда кооперативларнинг ходимлари ўртасида социал неъматлар адолатсиз тақсимланаётганлигидан ғазабланмоқдалар.

Нотиқ вужудга келган аҳволдан қутилиш йўллари тўғрисида фикр юритиб, жумладан корхоналарга чинакам хўжалик мустақиллиги беришнинг муҳимлигини, нарх-наво ислоҳотини ўтказиш, социал маиший муаммоларни дарҳол ҳал этиш зарурлигини уқтирди. У депутатлар ўртасида гуруҳларнинг тузилиши жамиятда етилган барча муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмайди, деди.

Депутат **М. Г. Вульфсон** минбарга чиқади. У ҳозир бўлган кишиларга Латвия Олий Советининг ўтган ҳафта охирида бўлган сессиясининг қарорлари тўғрисида ахборот берди, ана шу қарорларни тарихий қарорлар деб атади.

Кечки мажлисда ҳар иккала палатанинг депутатлари киритилган тузатишларни ҳисобга олиб алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан СССР Олий Совети Президиумининг «Давлат жиноятлари учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 1989 йил 8 апрелдаги фармонини ҳамда СССРнинг бошқа бир қанча қонун актларини тасдиқладилар.

Сўнгра депутатлар «Республика ва маҳаллий қарамоғдаги корхоналар ва бирлашмаларни иттифоқ қарамоғига ўтказиш тартиби тўғрисида»ги СССР Олий Совети Президиуми фармонини ўз кучини йўқотган фармон деб эътироф этиш ҳақида»ги СССР қонунини тасдиқлайдилар.

Шу билан сессия фармонларни тасдиқлашни тамомлади. Бир қанча фармонлар СССР Олий Советининг комитетлари ва доимий комиссиялари кўриб чиқиши зарур бўлганлиги учун уларни муҳокама қилиш қолдирилди.

Олий Совет СССР Олий Совети Президиуми тақдим этган СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва уларнинг органлари қабул қиладиган СССР қонунлари ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга киришади. Бу лойиҳани СССР Олий Совети Президиуми киритган.

Ушбу масала юзасидан Миллатлар Советининг раиси **Р. Н. Нишонов** доклад қилди.

Раислик қилувчи **Е. М. Примаков** қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси **С. С. Алексеевга** қўшимча доклад қилиш учун сўз беради.

Депутатлардан **К. Д. Лубенченко, С. С. Алексеев, Е. М. Примаков, А. И. Лукьянов** муҳокама қилинаётган масала хусусида таклифлар, фикр-мулоҳазалар айтдилар ва изоҳлар бердилар.

Палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз берилиб, қўшимчалар киритилиб, кўпчилик овоз билан «СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва уларнинг органлари қабул қиладиган СССР қонунлари ва бошқа актларни эълон қилиш ва уларнинг кучга кириши тартиби тўғрисида» қонун қабул қилинди.

**Раислик қилувчи** СССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари вакант лавозимига **Т. Б. Чилебаев** номзодини муҳокама қилишни депутатларга тавсия этди.

СССР халқ контроли комитети раиси **Г. В. Колбин** СССР халқ депутати бўлган номзодни таърифлади.

**Т. Б. Чилебаев** халқ контроли органлари олдида турган вазифалар хусусида ўз нуқтаи назарини қисқача баён қилди. Сессия кўпчилик овоз билан Т. Б. Чилебаевни СССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Кечки мажлис депутатлар ўртага қўйган айрим масалаларни муҳокама қилиш билан якунланди.

1 август куни сессия ўз ишини давом эттирди.

(ТАСС).

# ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИКДА

## БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

КЎП йиллардан бери Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қиламан. Корхонамизга 20-йилларнинг охирида асос солинган. Мана қарийб олтмиш йилдирки, бу ерда турли миллат ва элат фарзандлари ёнма-ён туриб меҳнат қилишади. Улар бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд. Ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказамиз, байрамларни нишонлаймиз. Ишлаб чиқаришга, ҳаётимизга оид муаммоларимизни ҳам биргаликда ҳал қиламиз. Биргаликда тайёрлаган маҳсулотларимиз иттифоқдош республикаларимизга, кўплаб чет эл мамлакатларига ҳам жўнатилади. Шунинг учун ҳам халқлар дўстлиги биз учун айниқса қадрли. Шу сабаб Фарғона водийсида юз берган ходисалар бизни ҳам ташвишга солганди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, ЎзССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг халқимизга қилган Мурожаатномасини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ҳурмати, турк биродарларимиз ўз уйларига қайтишлари керак.

Тўғри, ўртада қурбонлар бўлди. Оммавий тўполонларда ҳалок бўлганларнинг яқинлари қалбидан бунинг алами, дарди узоқ вақтлар кетмайди. Лекин аламни ўзгалар қалбига алам солиш билан ювиб бўлмайди. Шундай экан идрок билан иш тутайлик. Зеро биродаркушлик халқимизга хос одат эмас.

**Ю. ЭШҚУРБОНОВ,**
**Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.**

## БАҒРИМИЗ КЕНГ

**КЎПИНЧА оқшом пайтлари ишдан уйга Халқлар дўстлиги майдони орқали қайтаман. Ҳар сафар муҳташам санъат саройи рўбарўсидаги саҳийқалб инсонлар — Шомаҳмуд ота ва Баҳрихон аялар оиласига қўйилган ҳайкал ансамблига кўзим тушганида бир зум ўйга толаман. На қадар бағри кенг, танти халқимиз бор-а?!**

**Оддийгина темирчи оиласи Ватанимиз бошига оғир кун тушганида эвакуация қилинган ўн тўрт нафар етимнинг бошини силаган ўзи емай, сўнгги бурда нонини улар оғзига тутган. Нафақат ўн минглаб, юз минглаб етимлар, балки ўтмишнинг мудҳиш хатоликлари туфайли ўз она юртидан ҳайдалган жуда кўплаб баъзи халқлар ва элатларга ҳам ўзбек эли уйининг тўрини, қалбининг қўрини берди. Жумладан, месхети турклари ҳам ана шу йўсинда Ўзбекистон тупроғидан паноҳ топдилар. Шунинг учун ҳам бугунги кунда меҳнаткаш юртим шаънига доғ бўлиб тушган баъзи воқеаларда бутун бошли ўзбек халқини айблаш нотўғри, деб ҳисоблайман. Бу фожиаларни ташкил этганлар, соддадил икки миллат ёшларини гиж-гижлаб қабиҳликка бошлаганлар жазосиз қолмасликлари керак, албатта.**

**Шу ўринда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси билан танишар эканман, миллатларни фақат дўст, иноқ яшашга чорловчи бу ҳужжатдан кўнглим ифтихорга тўлди. Чиндан ҳам дўстлик — қудратли куч. У бизни узилмас, мустаҳкам ришталари билан боғлаб туради.**

**Л. ҚЎЧҚОРОВА.**

КПСС УСТАВИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

# ДАВРГА МОСЛАБ...

**КЕЛГУСИ йил охирида КПССнинг навбатдаги съездини чақириш мўлжалланмоқда. Мамлакатимиз ва жамиятимизда қайта қуриш жараёнидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ушбу съездда КПСС Программасини янгилаш, партиянинг янги Уставини қабул қилиш кўзда тутилмоқда.**

**Мухбиримиз 1947 йилдан КПСС аъзоси, Хусниддин НУРИДДИНОВ билан суҳбатлашиб, ундан амалдаги КПСС Устави ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини сўради.**

— Партиянинг навбатдаги съездида Программа ва Уставни қайта кўриб чиқишга қарор қилинаётганлиги жуда тўғри. Ҳамма нарсани ўз номи билан айтсак, партиянинг бу икки асосий ҳужжатида турғунлик даврининг асорати кўзга ташланади. Шунинг учун уларга жиддий ўзгартишлар киритиш зарур.

КПСС Уставининг кириш қисмидаёқ «Мамлакат ривожланган социализм босқичига қадам қўйди... Партия... ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг олий формаси, совет жамияти сиёсий системасининг ўзаги, раҳбар ва етакчи кучидир» дейилади. Маълумки, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида бу таърифлар тамомила бошқача таҳрирда берилган. Демак, Уставни ҳам ана шунга мослаш лозим.

Партия аъзоларининг вазифалари ва ҳуқуқлари ифодаланган бобда партия аъзоси бажариши шарт бўлган вазифалар қаторига «Меҳнатда ўрнак кўрсатиш, социалистик мулкни эҳтиёт қилиб асраш ва кўпайтириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, меҳнат унумдорлигини узлуксиз ўстиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга, замонавий фан-техника ютуқларини ва илғор тажрибани халқ хўжалигига жорий этишга сабот билан ҳаракат қилиш, ўз малакасини ошириш, жамики янги, оператив нарсаларнинг актив тарафдори бўлиш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга энг кўп ҳисса қўшиш» ҳам киритилган. Нима учун бу фақат коммунистнинг вазифаси бўлиши керак? Менимча, бу — ҳар бир совет кишисининг вазифасидир. Уставда эса жамиятнинг авангарди деб номланган партия аъзосига бевосита тааллуқли вазифалар ўз ифодасини топиши лозим. Умуман партия аъзосининг вазифалари конкрет эмас, кейин жуда қалаштириб ташланган. Уларни иложи борича лўнда ифода этиш керак.

Уставда «Партияга қабул қилиш масаласи бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишида муҳокама этилади ва, ҳал қилинади» дейилади. Маълумки, ҳозирги пайтда партияга қабул қилиш масаласи бошланғич партия ташкилотларининг очиқ йиғилишларида кўриб чиқилмоқда. Ўз тақдирини КПСС билан боғлаш истагини билдирганлар ҳақида партиясизлар ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар, бу ҳисобга олинаяпти. Партия турмушидаги ана шу янгиликлар ҳам КПССнинг янги Уставида ўз аксини топиши керак, деган фикрдаман.

Кейинги пайтларда бошланғич партия ташкилотларига эътибор кучайди. Аммо Уставда «150 дан кам партия аъзоларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотларида, одатда, маош олиб ишлайдиган партия ходимлари лавозими белгиланмайди» дейилган. Буни қайта кўриб чиқиш ва 50 дан ортиқ партия аъзоларини бирлаштирган ташкилотларда маош олиб ишлайдиган партия ходимлари лавозими белгиланиши керак. Бунинг учун аъзолик бадалларининг 50 проценти бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдирилса тўғри бўларди.

# БИРЛАШМА ЧЕВАРЛАРИ

## ФОТОРЕПОРТАЖ





**ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси пойтахт областимиздагина эмас, ҳатто республикамиз енгил саноати шу тармоғининг кекса ва йирик корхоналаридан ҳисобланади. У совет кишилари эҳтиёжларини қондиришдек ҳайрли, шарафли ишга ҳисса қўшиб келаётганлигига ярим аср бўлиб қолди. Улуғ Ватан уруши бошланиши билан бу ерга кўчириб келтирилган фабрика дастлабки йилларда она-Ватан мудофааси учун хизмат қилди. Бу ерда парашютлар ишлаб чиқарила бошланди. Уруш совет халқининг жаҳоншумул тарихий ғалабаси билан тугагач орадан кўп ўтмаёқ фабрика коллективининг иш хусусияти тубдан ўзгарди — тинч меҳнат қилишга ўтди. Меҳнаткашлар учун кундалик кийим-кечаклар тикишга киришилди. Шу-шу қирқ йилдан ошиқроқ вақтдан бери шундай ҳайрли иш билан шуғулланилмоқда. Асосан эркаклар ва аёллар костюмлари тикилмоқда.**

**Бирлашманинг бугунги қиёфасини ўша вақтдагисига ҳеч таққослаб бўлмайди. Пастак, қоронғу, тор корпуслар ўрнида замонавий усулда қурилган кўп қаватли, ойнаванди ёруғ, ҳашаматли бинолар пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш технологияси тубдан ўзгарди. Эски асбоб-ускуналар, анжомлар янгилари, унумли ва сифатли ишлайдиганлари билан алмаштирилди. Цехларда қатор чет эл фирмаларида тайёрланган тикув агрегатлари, прогрессив технологиялар жорий қилинган. Кўплаб юқори сифат поток линиялари ишлаб турипти.**

**Меҳнат шароитлари ҳам муттасил яхшиланиб бормоқда. Чеварларнинг меҳнат натижаси самарали ва сифатли бўлиши учун жуда кўп иш қилинмоқда, ташкилий-техникавий, социал-маданий-маиший тадбирлар амалга оширилмоқда. Бирлашма ҳовлиси кўкаламзор боғни эслатади. Дарахтлар, турфа гуллар, отилиб турган фавворалар кишига яхши кайфият бахт этади.**

**Коллективнинг социал-маданий-маиший шароитларини яхшилаш юзасидан қилинаётган ишлар фақат шулардангина иборат эмас, албатта. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтишнинг иложи ҳам йўқ. Бироқ у ҳар куни сезилиб турипти. Айниқса, бирлашма хўжаликни юритишнинг янги усули — ўз харажатларини ўзи қоплаш ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида ишлашга ўтганидан бери бу муҳим, илгари қолдиқ принципи ҳисобланган соҳада сезиларли ижобий силжишлар рўй берди.**

**Эндиликда чеварлар ўз корхоналарининг соҳиби бўлиб қолишди. Ҳалол меҳнатлари билан топган маблағнинг муайян қисми ўзларининг ихтиёрларида қолмоқда. Бу пул ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга сарфланмоқда. Уй-жой қурилиши кенгаймоқда. Чеварларга кўрсатилаётган хизмат турлари ортиб, даражаси ошмоқда. Қатор ошхоналар, шу жумладан парҳез таомлар ошхонаси, масаллиқлар билан савдо қилувчи дўкон чеварлар хизматида. Саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари магазинлари, чойхоналар ишлиб турипти. Клуб, қироатхоналар, кутубхоналар, қизил бурчаклар чеварлар учун доим очиқ. Барча цехлар ва филиалларда дам олиш, кийим алмаштириш хоналари, душхоналар бор. Махсус жойда турли-туман паррандалар боқилмоқда. Уни кичик бир ҳайвонот боғи деса ҳам бўлади. Бу ерда товусдан тортиб беданагача ўнлаб хил ёввойи қушлар тўпланган...**

**Шундай ғамхўрликка жавобан чеварлар ҳам фидокорона меҳнат қилишяпти. Тикувчилик буюмларини буюртма бўйича ҳам, бевосита савдо шаҳобчалари билан тузилган икки томонлама шартнома асосида ҳам етказиб бериш планлари бажарилмоқда. Минглаб костюмлар Ўрта Осиёдаги қардош республикалар, Россиянинг қатор областлари ва шаҳарларига етказиб берилмоқда. Маҳсулотга тушаётган норозилик хатлари йил сайин камаймоқда.**

**Чеварлар орасида ўзбеклар, руслар, украинлар, белоруслар, тожиклар, қозоқлар, татарлар, немислар ва бошқа ўнлаб миллатга мансуб кишилар бор. Улар бир-бирлари билан аҳилликда, иноқликда яшамоқдалар ва ишламоқдалар. Мақсадлари эса ягона — совет кишиларининг тобора ўсиб бораётган дид ва талабларига тўла жавоб берадиган костюмлар тикиш яъни элни кийинтиришдир. Бу олижаноб ишда уларга муваффақият ёр бўлишига тилакдошмиз.**

М. МИРҲАМИДОВ.



*



**● Бирлашманинг асосий ишлаб чиқариш корпуси.**

**● Тикув цехларининг бирида.**

**● Гулсара Мамаюсупова ўзининг унумли ва сифатли меҳнати билан касбдошлари ҳурматини қозонган.**

**● Тайёрлаш цехи илғорларидан М. Каримова (чапдан), М. Саркисова, И. Ражапова, Л. Боқибоева, Д. Мусабекова, М. Лобикова ва С. Раҳматоваларни кўриб турибсиз.**

(Давоми 3-бетда)

# ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИ

ДЕҲҚОН меҳрига қонган ғўзалар бугунги кунда кўзни қувонтирадиган бўлиб қолди. Ёппасига гуллаб, ҳосил тугмоқда. Бир текис ривожланмоқда.

Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхозда бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик.

Хўжаликда 671 гектар майдонда пахта ўстирилмоқда. Меҳнат пудрат асосида ташкил этилган. Бу усул ғўза парваришини маромида ўтказишда ғоят қўл келаётир. Буни колхознинг Баҳром Умаров бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари бажараётган ишлар мисолида кўриш мумкин.

— Ҳозир асосий диққат-эътиборимиз ғўзани суғоришга қаратилган,— дейди бригадир.— сув билан бирга озиқлантираяпмиз. Қолган сувларни ҳам маромида ўтказмоқдамиз. Шу кунгача ҳаммаси бўлиб ғўза беш марта комплекс ишловдан чиқарилди. Культивацияни ўтказишда Баҳром Мансуров ҳам касбларига ўрнак бўлаётир.

Биз Баҳром ишлаётган далада бўлдик. Унинг муваффақияти «сир»и шундаки, иш бошлашдан олдин агрегати ишчи органларини обдон кўздан кечиради. Пухта созлайди. Шунинг учун ҳам меҳнати унумли бўлмоқда. Ҳар куни 10 гектарга яқин ғўза қатор ораларига ишлов бераётир.

Сувчилар кўпроқ экинга тунда сув қўймоқдалар. Нурмуҳаммад Давлатов, Эрмат Шодиев сингари сувчилар учинчи сувни ҳам ниҳоясига етказишди. Мўлжалдаги минерал ўғитлар бериб бўлинди. Энди маҳаллий ўғит шарбат қилиб оқизилмоқда.

Биз пудратчи оила бошлиғи Ҳидоят Юнусова билан суҳбатлашдик.

— Бизга 3,5 гектар ер бириктирилган, — дейди у. — Шартнома тузиб олганмиз. Қанча ҳосил етиштирсак қанча даромад олишни яхши биламиз. Иқтисод қилинган маблағнинг бир қисми ҳам бизга тегади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишни вақтида бажаришга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳидоят Юнусованинг даласини кўздан кечирган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Эгатларда жилдираб сув оқаяпти. Далада бирорта бегона ўт кўринмайди. Ягана ўз вақтида тугалланиб, ҳар гектарида мўлжалдаги кўчат сақлаб қолинган.

Ш. СИДДИҚХЎЖАЕВ.

